

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПОВ ШЕРАЛИ ХАСАНОВИЧ**

**ТАРҚАЛГАН ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ДАВОЛАШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.14 - Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупов Шерали Хасанович**

Тарқалган простата бези саратонини даволашда замонавий

ёндашувлар.....3

**Юсупов Шерали Хасанович**

Современные подходы к лечению распространенного

рака предстательной железы .....23

**Yusupov Sherali Khasanovich**

Modern approaches to the treatment of disseminated prostate cancer.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПОВ ШЕРАЛИ ХАСАНОВИЧ**

**ТАРҚАЛГАН ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ДАВОЛАШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.14 - Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib356 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб–саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот–таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжаев Абдувоҳид Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Рустам Носирович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Қозоғистон Республикаси онкология илмий  
маркази (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018. Tib.77.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96; e–mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М. А. Гафур-Ахунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ўринбосари, т. ф. д., профессор

**А. А. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т. ф. д., доцент

**М. Х. Ходжибеков**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т. ф. д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, простата беши саратони дунёда эркаларнинг орасида 3 ўринни эгалаган ҳолда, ҳар йили 550000дан зиёд бирламчи аниқланади<sup>1</sup>. Бирламчи мурожаат этган беморларнинг 60–80% ҳолатда жараён маҳаллий тарқалган ёки узоклашган метастазлар кўринишида аниқланади. Простата беши саратони билан касалланиш жиддий географик ва ирқий ўзгарувчанликка эга бўлиб «...ушбу ўсма касаллиги билан касалланиш АҚШ афро-америкаликларда оқ ирқ вакилларига нисбатан 60% кўпроқ учраса, энг кам касалланиш хитой миллатига мансублиги аниқланган. АҚШда 65 ёшдаги эркалар орасида касалланиш кўрсаткичи, ҳар 100000 аҳолига нисбатан 44 ни ташкил қилса, 65–75 ёшда бу кўрсаткич 900 гача кўтарилади...»<sup>2</sup>, бу эса ташхислаш ва даволашни яхшиланишини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, бу йўналишдаги тадқиқотлар ўсма жараёнининг иммунологик, морфологик хусусиятларига қараб жарроҳлик ва консерватив даволаш усулларининг хусусиятларини танлаш ва простата беши саратони касалликларининг даволаш мезонларини баҳолаш, цитогенетик, информатив онкомаркерларни, шунингдек, муайян даволаш тактикасини қўллашни танлаш ва самарадорлигини баҳолаш учун специфик ташхисот тестларни излаш, метастатик простата беши саратонини гормонал ва антигормонал даволаш усулларининг хусусиятларини, ушбу тоифадаги беморларнинг даволанишидан кейинги тактикасини танлаш учун махсус даво мезонларини ишлаб чиқиш ҳал қилиниши лозим муаммолардан биридир.

Жаҳонда тарқалган простата беши саратонини даволашда замонавий ёндашувларни асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тарқалган простата беши саратони билан касалланган беморларда жарроҳлик кастрацияси ва эстроген терапия ёки унинг комбинацияси қўлланилганда даволаш натижаларини, гормонотерапиянинг максимал андроген блокада ва монотерапия усуллари қўлланилганда клиник самарадорлигини асослашдан иборат. Тарқалган простата беши саратони билан касалланган беморларда турли хил даволаш усулларини қиёслаш ҳамда максимал андроген блокадани даврий тизимга асосланган ҳолда қулай усули ва даволаш давомийлигини ишлаб чиқиш ҳисобига максимал андроген блокада терапияни модификациялаш ва янгича даволаш усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавfli ўсма касалликларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590–сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги

<sup>1</sup> ЖССТнинг 2016 йил ҳисоботининг маълумотлари

<sup>2</sup> Denis L., Morton M.S., Griffiths K. Diet and its preventive role in prostatic disease // Eur. Urol. — 2016. — Vol. 35. — P. 377–387

Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таххис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида онкологик касалликларни таххислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда жарроҳлик кастрациядан кейин беморларда кучли рухий бузилишлар кузатилганлиги сабабли, гормонал эндокрин терапия усули ишлаб чиқилган. Бу усул қондаги андрогенлар таъсирини ва простата бези (ПБ) ҳужайраларидаги рецепторларнинг андрогенларга сезгирлигини камайтириши қатор олимларнинг ишларида келтирилган (Bostwick D.G 2015; Watanade.H 2016). Баъзи олимларнинг фикрича, рилизинг гормони ингибиторларини кўллаганда беморда простата специфик антиген титрини кескин камайиши аниқланган бўлиб, лекин шу билан бирга сексуал холати ва либидони пасайиши исботланган. Шу билан бирга антиандрогенлар тавсия этилганда простата специфик антиген титрини секин пасайиши йўлида, либидо ва сексуал потенцияни йўқолмагани аниқланган. Бугунги кунга келиб мавжуд бўлган маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, патологик тавсифга ёки нохуш

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

клиник ҳолатдаги касалликни маҳаллий ривожланиши (Глиссонни юқори даражаси, йирик ҳавfli ўсмалар, саркаматоид белгиларнинг ёки ҳавfli ўсманинг коагуляцион некрози кузатилган беморларда (Т3–Т4) нур терапияни қўшиш фойдалидир. Бироқ лимфа тугунларида метастазларга эга бўлган беморларда кўпинча узоқ метастаз белгилари ҳам аниқланади, кўп сондаги ретроспектив рандомизирланган тадқиқотлар ҳатто шу гуруҳ беморларида ҳам антигормонал давонинг самарали имкониятларини кўрсатади (Аляев Ю. Г, Крапивин А. А., 2013; Алексеев Б. Я., Калпинский А. С., 2015).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли ички аъзоларнинг хавфсиз ва хавfli ўсма касалликларини консерватив ва жаррохлик усулларда даволаш тизимида қатор ишлар бажарилган, яъни простата беzi саратонини даволашда гипертермияни даволаш самарадорлиги ошиши исботланган (А.Х.Пармонов); хавfli ўсма хужайраларини молекуляр–генетик башорат қилиш омилларини р53 индуктор апоптози, Bcl 2 индуктор апоптози ва Ki–67 маркер пролифацияси исботланган (Д.М.Низамов, 2012); метастазланган хавfli ўсма касалликларида иммунокимёвий таҳлил йўли билан VEGF ўрни ва таргет терапияни ўтказганда самарали натижалар олинган (Н.М.Рахимов, 2019) каби тадқиқотлар олиб борилган.

Простата беzi саратони таҳхисотида ноинвазив визуализация усулларининг самарадорлигини, даволашга мўлжалланган мақсадли даволашнинг оптимал усулларини такомиллаштириш, замонавий онкологик даволаш тизими самарадорлигини ошириш учун чуқур ўрганиш заруриятини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг илмий–тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тарқалган простата беzi саратонида турли хил гормонотерапия усулларини қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарқалган простата беzi саратони билан касалланган беморларда жаррохлик кастрацияси ва эстроген терапия ёки унинг комбинацияси қўлланилганда даволаш натижаларини ўрганиш;

простата беzi саратонида гормонотерапияни максимал андроген блокада ва монотерапия усуллари қўлланилганда клиник самарадорлигини баҳолаш;

тарқалган простата беzi саратони билан касалланган беморларда турли хил даволаш усулларини қўллаганда, уларнинг қиёсий таққослаш натижаларига баҳо бериш;

максимал андроген блокадани даврий тизимга асосланган ҳолда қулай усули ва даволаш давомийлигини ишлаб чиқиш ҳисобига максимал андроген блокада терапияни модификациялаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИАТМ) ҳамда РИОваРИАТМни Тошкент шаҳар филиали клиникасида (2009–2017 йй.) даволанган 236 нафар тарқалган простата беzi саратони бўлган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида простата беzi саратон ташхисига эга беморлардан олинган гистологик препаратлар ва ўсма касалликлари регистри маълумотларининг материаллари, касаллик тарихи ва амбулатор карталаридан кўчирмалар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда рентгенологик, ултратовуш, морфологик, клиник ва статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарқалган простата беzi саратонини ташхисотида трансректал сонография, қон зардобида простат-специфик антигенни бирламчи ва даврий, яъни ҳар уч ойда аниқлаш ҳамда клиник-патоморфологик кўрсаткичлар асосида онкологик жараёни ташхислаш комплекс мажмуаси такомиллаштирилган;

турли хил гормонал даволаш натижаларини беш йиллик ҳаёт кўрсаткичини солиштирма таққослаш асосида умумий ва коррекциялашни максимал андроген блокада ҳамда монотерапия гормонал давонинг ножўя таъсирини инобатга олган ҳолда гормонал терапия усулини қўллаш стратегияси исботланган;

тарқалган простата беzi саратонини даволашда босқичма-босқич максимал андроген блокадани қисқа вақт оралиғидаги самарадорлиги эстроген гуруҳида даволаш тизими ва монотерапияга нисбатан беморлардаги ижобий кўрсаткичлар исботланган;

такомиллаштирилган даврий максимал андроген блокадали даволаш усули тарқалган простата беzi саратонини давомли ўсиши ва касалликнинг қайталаниш даражасини камайишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

тарқалган простата беzi саратонида гормон терапия схемасини танлашда кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва беморларни текшириш ва даволашнинг гормонотерапиядан олдинги ва кейинги босқичларида ўсма авж олиши хавфи юқори гуруҳга мансублигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган даволаш алгоритмини тадбиқ қилиш маҳаллий тарқалган простата саратонида беморларнинг ўлим кўрсаткичини камайтирган, ўртача умр кўришини оширган;

тарқалган простата беzi саратони мавжуд беморларни даволашнинг энг оқилона тактикасини ишлаб чиқилган;

простата безини тарқалган ўсма касалигини даволаш тизимини такомиллаштириш беморларнинг ҳаёт кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник–экспериментал, функционал, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тарқалган простата беzi саратони ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарқалган простата беzi саратони ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамиятга эга. Адъювант гормонал даволаш самарадорлигига қараб, тарқалган простата беzi саратонини даволаш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқилди. Простат-специфик антиген ва патогистологик ҳулоса ҳамда Глиссон даражаси маълумотларини ҳисобга олган ҳолда маълум бир гормонал даво стратегиясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган. Ишнинг якуний натижалари курсантларни ўқитиш дастурининг таркибини ва структурасини мукамаллаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарқалган простата беzi саратонини даволашда самарали тизимларни ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий қилиниши, шунингдек даволаш тизимининг тактик ва техник жиҳатларини модернизация қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар ва меҳнат, ижтимоий чекловлар сонини камайтириш имконини берган. Простат–специфик антиген, простатадан трансректал мултифокал биопсия таҳлили ва трансректал ултратовуш энг юқори эҳтимоллик билан беморлар гуруҳини ажратиш имконини бериши, бу эса оптимал даволаш тактикасини танлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган. Ишлаб чиқилган алгоритм ташхислаш сифатини яхшилаш ва адъювант гормонотерапия турини танлашни оптималлаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Тарқалган простата беzi саратонини даволашда замонавий ёндашувларнинг асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тарқалган простата беzi саратонини даволашдаги замонавий ёндашувлар» услубий тавсия тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н–р/187–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсия тарқалган простата беzi саратонини ташхислаш, даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш имконини берган;

Тарқалган простата беzi саратонини даволашда замонавий ёндашувлар бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, РИОваРИАТМ ҳамда РИОваРИАТМни Тошкент шаҳар филиали

бўлимларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 апрелдаги 8н-з/51-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ва тавсия этилган монотерапия даволаш усулини даврий равишда қўллаш тарқалган простата беzi саратонини даволашда максимал андроген блокада (МAB) терапияга нисбатан кетган қийматни 40%га камайганлиги, касалликни узок вақт турғунлигини кузатилиши ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Тарқалган простата беzi саратонини даволашда замонавий ёндашувларнинг ўрни**» деб номланган биринчи бобида тарқалган простата беzi саратонига бағишланган адабиёт манбалари таҳлил қилинган. Тарқалган простата беzi саратони патогенези, метастаз хусусиятлари келтирилган, диагностик усуллари, консерватив, жарроҳлик даволаш усуллари таҳлил қилинган, этиологиясига қараб тарқалган простата беzi саратонини характеристикаси келтирилган, дифференциал ташхислаш ва даволашнинг даврий натижалари тасвирланган.

Диссертациянинг «**Тарқалган простата беzi саратонини даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган беморларнинг умумий характеристикалари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, тадқиқотда қўлланиладиган усуллар ҳақида маълумот тақдим этилди.

РиОваРИАТМ ҳамда РиОваРИАТМни Тошкент шаҳар филиалида тарқалган простата беzi саратони (ТПБС) билан текширувдан ўтган ва

даволанган 236 нафар бемор ўрганилди. Беморлар 3 та гуруҳга бўлиб ўрганилди. (1–расм).

Беморларнинг асосий қисмида касалликнинг тарқалган тури, яъни маҳаллий ёки умумий турлари аниқланган. Маҳаллий тарқалган турига кўшни аъзоларга ўсиб кириши (уруғ пуфакчаларига бир томонлама ёки икки томонлама), қовуқга, тўғри ичакга, регионар лимфа тугунларга (ёнбош: – умумий, ташқи, ички ёки ёпқич чуқурлигидаги лимфа тугунларга бир ёки икки томонлама ҳамда қорин парда орти соҳаси лимфа тугунларига метастазлар) аниқланган беморлар киритилган. Умумий ёки узоқлашган метастазларга асосан 75–80% ҳолатларда тана скелет суякларига (кўпроқ кичик чанок суякларига, умуртқа поғонаси суякларига, елка суягига, сон суяги ва бошқа аъзо, тўқималарга) тарқалган беморлар киритилган. Барча беморларда гистологик тасдиқланган аденокарцинома G<sub>2</sub>–G<sub>4</sub>, T<sub>2b</sub>–T<sub>4</sub> босқичлари кузатилган.



1–расм. Даволаниш турларига қараб беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши.

Барча беморларнинг касаллик тарихи ва амбулатор варақалари ўрганиб чиқилди. Бунда беморларни махсус даво олгунга қадар анамнези, текширув усуллари ва натижалари, хулосаларга қараб ташхиси, даволаш усуллари ҳамда натижалари ўрганилди.

Беморларга гормонотерапия (жарроҳлик кастрация, эстроген терапия, максимал андроген блокада (МАБ) терапия ва монотерапия) усуллари ўтказилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги бир–бирига нисбатан қиёсий таққосланди.

Даво муолажаларини танлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида қон зардобиди простат-специфик антиген (ПСА) миқдори динамик аниқлаб турилган. Қон зардобиди ПСА миқдори барча беморларда бирламчи касаллик ташхиси қўйилишидан олдин аниқланган, бунда барча гуруҳларда

ПСА миқдорининг меъеридан кўтарилиши кузатилганлиги аниқланди, фақатгина паст дифференциал аденокарциномаларда меъерий ҳолатда бўлиши кузатилди. Қон зардобдаги ПСА миқдори даволаш усулларига қараб эстроген терапия ва МАБ терапияда даволаш самарадорлигини аниқлаш учун ҳар 3 ойда текшириб турилган. Монотерапияда эса аввалига антиандрогенлар билан даво бошланиб, бир ойдан кейин динамик ПСА ни аниқланган, агар қон зардобда ПСА миқдорининг камайиши кузатилса, антиандрогентерапия давом эттирилган ёки лютеинловчи гормон рилизинг-гормон (ЛРГ) аналоглари қўлланилгани кузатилди. Даволаш мобайнида гормонотерапия фонида қон зардобдаги ПСА миқдорининг кўтарилиши кузатилса ва бошқа текширув усулларида ҳам касалликни кучайиш белгилари аниқланса, бошқа даво усуллари қўлланилган. Барча беморларда бирламчи ўсмадан трансректал мултифокал биопсия олиниб, патогистологик тасдиқ қилинган ва патогистологик хулоса Глиссон шкаласи бўйича ҳисобланган. Бунда асосан тарқалган ПБС да шкала кўрсаткичи 7–10 ни ташкил қилади, патогистологик дифференциация даражаси G да кўйилиб, барча беморларда G<sub>2</sub>–G<sub>4</sub> ни, биоптатада эса мусбат кесмалар кўрсаткичи 50–100% ни ташкил қилади. Тарқалган ПБС ўрганилганда, кесмалар мусбатлиги Глиссон шкаласига пропорционал равишда кўтарилишини кўриш мумкин, яъни Глиссон 8–10 бўлса, мусбат натижа ҳам 80–100% ни ташкил қилади.

Бу кўрсаткич 236 та бемордан 203 (86%) тасига тўғри келди, қолган 33 (14%) та беморда Глиссон 5–7 ни ва мусбат кесмалар кўрсаткичи 50–70% ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «**Жаррохлик кастрация ва эстроген терапия, максимал андроген блокада ҳамда монотерапия даволаш усуллариининг клиник характеристикаси ва таҳлили**» деб номланган учинчи бобида илмий иш натижалари келтирилган. **Жаррохлик кастрация ва эстроген терапияни клиник таҳлили ҳамда ўзига хос хусусиятлари 1-чи қисмида** назорат гуруҳи беморлари сони 64 (100%) нафарни ташкил қилади. 1(1,6±0,08%\*) нафар беморда касалликни G–1 турини, 2 (3,1±0,16%) та си да G–2 турини ва 39 (60,9±3,17%) нафарда G–3 турини даволаш самарадорлигини юқорилиги ва узоқ давомийлиги аниқланди. Глиссон шкаласи бўйича: Глиссон 4 – 1 (1,6±0,08% p<0,05), Глиссон 7 – 4 (6,3±0,31% p<0,05), Глиссон 8 – 15 (23,4±1,1%), Глиссон 9–24 (37,5±1,8%) ва Глиссон 10=20 (31,2±1,5%) нафар беморда кузатилган. Тарқалган ПБС да Глиссон даражасини кўтарилишини, яъни биоптатдаги саратон ҳужайраларини фоиз ҳисобида ортишини кўриш мумкин. Беморларнинг асосий қисмида тарқалган ПБС ни Глиссон 8, 9, 10 турлари кўп учраши кузатилди.

Бу гуруҳ беморларда касалликни кучайиши сабабли МАБ терапия, ЛРГ аналоглари, стероид ёки ностероид антиандроген дори воситалари биргаликда қўлланилган. Монотерапия учун эса ЛРГ аналоглари ёки стероид ҳамда ностероид антиандроген дори воситалари алоҳида қўлланилган. МАБ ва монотерапия натижасиз бўлган ҳолатларда ёки натижаси тугагандан кейин кимётерапия курслари ўтказилган 3 (4,7%) та

бемор, комплекс даво муолажалари натижасиз бўлганлиги сабабли таргет терапия – Зитига (обератерон ) препаратини қабул қилган.

Жарроҳлик кастрация ва эстроген терапия ўтказилгандан кейин ўсмани қисман чекиниши 28 (43,7%) нафар беморда, тўлиқ чекиниб турғунлиги 30 (46,8%), самарадорсизлиги 4 (6,3%) ва бирламчи кучайиши 2 (3,1%) нафар беморда кузатилган. Бу гуруҳда ўсмани тўлиқ чекиниши 6–8 ойни ташкил қилади ва узоқ сақланиши 12–14 ойни ташкил қилади. Жарроҳлик кастрация ва эстроген терапиядан кейин кўпгина беморларда касалликни чекиниши ва турғунлашганлигини кўриш мумкин. Бу эса эстроген терапия ва жарроҳлик кастрация аҳамиятини ҳозирги кунга қадар сақланиб қолаётганлигини билдиради.

Барча беморларда эстроген терапиядан кейин иккала кўкрак безини катталашуви, қаттиқлашуви, пигментли қисмини қорайиши ва кўкрак безларида оғриқ синдромини пайдо бўлиши аниқланган. Бундан ташқари барча беморларда токсик гепатит ва гепатоз ҳолатлари юзага келган.

Юқоридагиларнинг барчаси бу даволаш усулини асосий камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Эстроген терапия ва жарроҳлик кастрацияни 56 (87,5%) та беморда клиник натижалари бор, 2 (3,1%) нафарида йўқ, 6 (9,4%) та беморда эса натижа аниқланмаган. Клиник натижаларда беморлар умумий ҳолатининг яхшиланиши, заҳарланиш синдромининг камайиши, иштаҳанинг яхшиланиши, урологик симптомлардан: сийишни яхшиланиши, оғриқ синдромини камайиши ёки йўқолиши, гематурия билан асоратланган беморларда сийдик билан қон келишини камайиши ёки йўқолиши кузатилган. Эстроген терапия ва жарроҳлик кастрациясининг клиник симптомларини 25% га йўқолиши 39 (60,9%) та беморда, 50% га йўқолиши 22 (34,4%) та, 75% га йўқолиши 2 (3,1%) та ва 100% га йўқолиши 1(1,6%) та беморда аниқланган. Эстроген терапия ва жарроҳлик кастрациянинг клиник симптомлар кўрсаткичлари МАБ терапия ва монотерапияга нисбатан паст натижани кўрсатганлиги аниқланди. Бошқа гормонал терапияга нисбатан даволаш жараёнида клиник симптомлар намоён бўлишини юқори даражада қолиши ҳамда давом этиши ўз навбатида бу терапия усулининг камчилиги ҳисобланади. Эстроген терапия ва жарроҳлик кастрациянинг кардиотоксик асоратлари 64 (100%) нафар бемордан 28 (43,7%) нафарида, меъда ичак йўли томонидан асоратлари 13 (20,3%) нафар ва гематотоксик асоратлари 8 (12,5%) нафар беморда кузатилган. 3 (4,7%) нафар беморда эса, бу ҳақда маълумотлар йўқ. Гематологик токсик таъсирлар кўрсаткичидан шуни аниқлаш мумкинки, бу гуруҳда 1-чи даражали токсик таъсир 3 (4,68±0,34%\*) нафар, 2-чи даражали токсик таъсир 3 (4,68±0,34%\*) нафар, 3-чи даражали токсик таъсир 2 (3,12%±0,24%) нафар беморда аниқланган (\*p>0,05).

Олинган натижалар асосида гуруҳда 49 (76,6%) нафар беморда беш йиллик яшаш кўрсаткичи қоникарли ҳисобланади, 8 (12,5%) нафар беморда эса беш йилдан юқори кўрсаткичи борлиги бу усулни ҳам ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади. Асосий касалликни кучайиши оқибатида 48 (75,0%),

бошқа ёндош касалликлар оқибатида 2 (3,1%), даволашни кардиотоксик таъсири оқибатида 8 (12,5 %) ва номаълум сабабларга кўра 1 (1,6%) нафар беморда ўлим кузатилган. Ҳаёт бўлганлар 2 (3,1%) нафар ва кузатувдан йўқолганлар 3 ( 4,68% ) нафар беморни ташкил қилди. Юқорида келтирилган терапия усулининг асосий камчиликларидан бири бўлиб ўсма касалликни кучайиши оқибатида ўлим кўрсаткичининг кўплиги ҳисобланади.

**Иккинчи назорат гуруҳи (II–гуруҳ) Даврий максимал андроген блокадани қўлланиши ва устунлик жиҳатлари:** МАБ терапия асосан даврий тизимда олиб борилган. МАБ терапия қабул қилган беморларнинг 83 (100%) нафарни ташкил қилади.

Ўтказилган МАБ терапиядан кейин биринчи 3–6 ойда тестостерон текширувидаги каби беморларда қон зардобадаги ПСА миқдори, простата безининг умумий ҳажми ва бирламчи ўсма ўлчамлари максимал даражада кичрайганлиги кузатилган. Без ўлчамларини динамикада кузатиш шуни кўрсатадики, 27–30 ой мобайнида простата безининг умумий ҳажми кичрайган ҳолатда сақланади. Аммо баъзи беморларда, касалликни даволаш ёки кузатув давомида, ПБ ҳажмини 10-42 ой оралиғида бўлган даврда қайта катталашувини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ректал кўрик, қон зардобадаги ПСА миқдори, тестостерон ва ТРУТ текшируви касалликни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда катта аҳамиятга эга. МАБ терапияда эстроген терапиядан фарқли равишда ПСА ва тестостерон миқдорини ҳамда ПБ ўлчамларини максимал тез қисқариши ва узоқ вақт сақланишини кўриш мумкин.

МАБ терапиядан кейин касаллик кучайганлиги сабабли 12 (14,45%) нафар беморда эстроген терапия ўтказилган. Бу беморларда ўтказилган эстроген терапиядан кейин касалликни чекиниши учраши кузатилган. 32 (38,55%) нафар беморда эса касаллик тўлиқ чекиниб, кўрсаткичлар меъёрий ҳолатга келгач, гормонотерапия монотерапияга ўтказилган. Бу эса ўртача 6–24 ойни ташкил қилган.

МАБ терапиядан кейин биринчи 3–6 ой давомида 7 (8,4%) нафар беморда ўсмани чекиниши қисман, 75 (90,4%) нафарида эса тўлиқ чекиниб турғунлиги кузатилган, 1 (1,2%) нафар беморда эса даволаш самарасиз деб баҳоланган. Биринчи 3 ойда 75 (90,4%) нафар беморда МАБ терапиядан кейин касалликни тўлиқ чекиниб турғун бўлганлиги даволаш усулини юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатади.

МАБ терапиядан кейинги клиник натижа, яъни касаллик симптомларини йўқолиши биринчи 3 ойда 80 (96,4%) нафар беморда кузатилган. 1 (1,2%) нафар беморда эса клиник натижа бўлмаган, яъни бу беморда касалликни бирламчи кучайиш белгилари аниқланган. МАБ терапия қабул қилган беморларда тана суякларидagi метастаз касаллик бирламчи аниқланганда 43 (51,8%) нафар беморда, даволаниш мобайнида 7 (8,4%) нафар ва касалликни қайта кучайишида 12 (14,5%) нафар беморда кузатилган. Беморларда даволаш самарадорлиги буйича клиник симптомларни 25% га йўқолиши 8

(9,6%) нафар беморда, 50% га йўқолиши 18 (21,7%) нафар, 75% га йўқолиши 21 (25,3%) нафар ва 100% га йўқолиши 36 (43,4%) нафар беморда аниқланди. Даволаш самарадорлигини клиник жиҳатдан юқори эканлиги, МАБ усулини қўллаш имкониятларини кенгайтиради, аммо асоратларнинг юқори кўрсаткичи бу даволашнинг камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

23 (27,7±1,78%) нафар беморда МАБ терапиядан кейин ЮИК, зўриқиш стенокардияси, қўл ва оёқ томирларининг варикоз кенгайиши ва ўткир миокард инфаркти каби кардиологик асоратлар кузатилган. МАБ терапиядан кейин 6 (7,2%) нафар беморда 6–32 ой ичида ўткир миокард инфаркти касаллиги кузатилиши бу терапиянинг юқори кардиологик таъсирга эга эканлигидан далолат беради. 5 (6%) нафар беморда меъда ичак йўли асоратларидан меъда ва 12 бармоқли ичак ярасининг қўзиши, сурункали гастрит ва колит белгилари пайдо бўлиши кузатилди. Беморлардаги бу ўзгаришлар симптоматик даволангандан кейин МАБ терапия қайта давом эттирилган.

Беморларда МАБ терапиядан кейинги гематологик токсик таъсирлар 3 та даражага бўлиб ўрганилган. 1-чи даражали токсик таъсир 3 (3,6±0,22%\*) нафар, 2-чи даражали 23 (27,7±1,78%) нафар, 3-чи даражали токсик таъсир 9 (10,8±0,69%\*) нафар беморда аниқланган (\* $p>0,05$ ). Келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, беморларнинг 74 (89,1%) нафарида 3–5 йиллик кўрсаткичи бу усулни қўллашда кенг имконият яратиб беради. Асосий касалликни кучайиши ва метастазланишини ҳисобига 62 (74,7%) нафар беморда, бошқа ёндош касалликлар оқибатида 4 (4,8%) нафар, МАБ терапиянинг асорати сифатида 2 (2,4%) нафар беморда ўлим ҳолати кузатилган. 2 (2,4%) нафар бемор ўлимининг сабаби аниқ эмас, 14 (16,9%) нафар бемор эса динамик кузатувдан йўқолган. Касалликни қайталаниши ва метастазланиши аниқланмасдан аввал 1 (1,2%) нафар бемор кузатувдан йўқолган, 1 (1,2%) нафарда эса касалликни қайталаниши (рецидивланиши) ва кучайиши билан кузатувдан йўқолган. 3 (3,6%) нафар бемор ҳаёт, 78 (94,0%) нафар бемор эса ҳаётдан кўз юмган.

Текширув маълумотларига асосан: МАБ терапияда Золадекс (гозерелин ацетат) 3,6 мг ҳар 28 кунда 1 марта ва бикүлатамид ҳар куни 50 мг х 1 маҳал даврий тизимда қўлланилганда, даволаш давомийлиги ўсма жараёнини чекинишига қараб, 8-12 ой кейин касаллик қайта кучайгунгача танаффус билан қайтарилганда бошқа дори воситаларига (ЛГРГ аналоглари Бусерелин 3,75 мг, Диферелин 3,75 мг, Элегард 7,5, 22,5 мг, Люкрин депо 3,75 мг ва стероид гормон Ципротерон ацетат 100 мг) қараганда натижадорлигини юқорилиги, яъни, касалликни тез чекиниши, чекинишнинг узок давом этиши, асоратларининг камлиги, юзага келган асоратлар (эректил дисфункция, либидонинг сусайиши, кучсиз гинекомастия) нинг тез тикланишини аниқлаш мумкин. МАБ терапияни шу даво воситалари билан қўлланишни қулайлиги сабабли, бу даволаш усулини амалиётга модификациялашни тавсия қилиш мумкин.

3-чи асосий гуруҳ беморларида тарқалган ПБС ни даволашда ЛГРГ

аналоглари билан монотерапия қўлланилди. Монотерапия усулида даволанган беморлар 89 (100%) нафарни ташкил қилади.

Монотерапия икки хил кўринишда: ЛГРГ аналогларини даврий тизимда (циклик равишда) қўллаш орқали; стероид ёки ностероид антиандроген препаратларни асосий касалликни гормонга сезувчанлиги йўқолгунга қадар қўллаш орқали олиб борилган.

Монотерапияда эстроген терапиядан фарқли равишда, ПСА миқдорининг ва ПБ ўлчамларининг максимал тез қисқариши ва узок вақт сақланишини кўриш мумкин. Монотерапиядан кейин биринчи 3–6 ойда 12 (13,4%) нафар беморда ўсманинг қисман чекиниши, 75 (84,2%) нафарда тўлиқ чекиниб турғунлиги кузатилган, 2 (2,2%) беморда эса даволаш самарасиз деб баҳоланган. Монотерапиядан кейин 75 (84,2%) нафар беморда тўлиқ чекиниб турғунлик бўлганлиги бу даволаш усулини юқори самарадорликка эга эканлигидан далолат беради ва даволаш усулларини қўллашда юқори ўринни эгаллашини кўрсатади. Монотерапиядан кейинги клиник натижа, яъни касаллик симптомларини йўқолиши биринчи 3–6 ойда 83 (93,2%) нафар беморда кузатилган. 2 (2,2%) нафар беморда клиник натижа бўлмаган, яъни уларда касалликни бирламчи кучайиш белгилари аниқланган. Монотерапия қабул қилган беморларда тана скелет суякларидаги метастаз бирламчи касаллик аниқланганда 52 (58,4%) нафар, даволаниш мобайнида 6 (6,7%) нафар, касалликни қайта кучайишида эса 11 (12,3%) нафар беморда аниқланган. Учта гуруҳ маълумотларига асосан, тарқалган ПБСда тана суякларидаги метастазнинг юқори кўрсаткичга эга эканлигини кўриш мумкин. Регионар лимфа тугунлардаги метастазлар бирламчи аниқланганда 20 (22,5%), даволаниш мобайнида 29 (32,2%), касаллик кучайгандан кейин эса 14 (15,7%) нафар беморда аниқланган.

